

## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Менглиев Фахриддин Валиевич**

*Ўзбекистон Республикаси*

*Ички ишлар Академиясининг Олий таълимдан кейинги таълим  
факультети мустақил изланувчиси*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириши бўйича таклифлар билдирилган.*

*Муаллифнинг фикрича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ваколатларини янада кенгайтириши лозим. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар гудудий бўлинмаларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдига ҳисобдорлигини ошириши лозим.*

**Калит сўзлар:** *маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; ҳуқуқбузарлик; жиноят; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; жиноятларнинг сабаблари; жиноятларнинг шароитлари; жиноятчиликка қарши курашиши; халқ депутатлари кенгашлари.*

## ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ

**Аннотация.** *В данной статье представлены предложения по совершенствованию деятельности органов местного самоуправления в сфере профилактики преступности.*

*По мнению автора, необходимо и дальше расширять полномочия местных органов государственной власти по профилактике преступности. Также необходимо повысить подотчетность региональных подразделений правоохранительных органов перед местными органами государственной власти.*

**Ключевые слова:** *органы местного самоуправления; преступление; преступление; предотвращение преступления; причины преступлений; обстоятельства преступлений; борьба с преступностью; Советы народных депутатов.*

## PRIORITY AREAS FOR IMPROVING THE ACTIVITIES OF LOCAL GOVERNMENTS IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION

**Annotation.** *This article presents proposals for improving the activities of local governments in the field of crime prevention.*

*According to the author, it is necessary to further expand the powers of local government authorities in crime prevention. It is also necessary to increase the accountability of regional law enforcement units to local government authorities.*

**Key words:** *local governments; crime; crime; crime prevention; causes of crime; circumstances of the crimes; crime control; Councils of People's Deputies.*

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш аввало бу борада ҳали ишга солинмаган маъмурий ресурсларни ҳаракатга келтиришга имкон беради.

Чунки ҳуқуқбузарликларнинг геокримнологик жиҳатлари борки у бу борада маълум маҳаллий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишни назарда тутди.

Шундай қилиб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини қуйидаги йўланишлар бўйича такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда:

*Биринчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини вакиллик ва ижро органлари йўналишида тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Чунки Конституциянинг янгиланиши муносабати билан ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси фаолиятининг бир-биридан холи амалга оширилишини назарда тутувчи ҳокимиятлар бўлиниши принципини маҳаллий даражада жорий этилиши белгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Халқ депутатлари Кенгашлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тегишли маҳаллий бўлинмалари раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳисоботлари (ахборотлари)ни эшитади;

тегишли ҳокимларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурлар ижроси бўйича ҳисоботларини эшитади;

айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир қарорлар қабул қилади;

ҳалқ депутатлари Кенгшалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳокимликлар:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларнинг ижро этилишини ташкил этади ва унинг натижалари бўйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларига ҳисоботларини тақдим этилади;

аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

ҳокимликлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*Иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишларидан бири - вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасини қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“маҳаллий давлат ҳокимияти органларини - ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар тўғрисида;

туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбасини - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган тўғрисида.”

Шунингдек, ушбу қонуннинг 8-моддасига вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ҳам киритиш ва ушбу қонуннинг алоҳида моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

*Учинчидан*, жиноятчиликнинг алоҳида турларига қарши курашишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун;

“Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун;

“Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонун;

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида халқ депутатлари кенгашлари таркибидаги доимий комиссияларнинг ролини ошириш, уларнинг бу борадаги мақсадида ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-360-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида”ги намунавий низомда суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиянинг қуйидаги ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

худудда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

коррупцияга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир худудий дастурларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уларни дастлабки тарзда муҳокама қилади;

коррупция кўринишларининг намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасига мунтазам равишда ахборот киритиб боради;

ҳокимлик бўлимлари ва бошқармалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек суд, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар раҳбарларининг комиссия ваколатига тааллуқли масалалар бўйича дастлабки тарзда комиссия мажлисларида ҳисоботларини (ахборотларини) эшитади, улар бўйича якуний хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур масалани сессия муҳокамасига киритади.

*Бешинчидан*, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари ҳамда иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тўғрисида”ги намунавий низомнинг кичик “а” бандини қуйидаги мазмунда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“а) маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ўзини ўзи бошқариш ва ёшлар сиёсати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

жамоат хавфсизлигининг таъминланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолий юқори бўлган ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали шакл ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”нинг самарали ташкил этилишини таъминлаш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жазоларни ижро этиш инспекциясига маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойларнинг (объектларнинг) рўйхатини ва мажбурий жамоат ишларининг турларини келишув учун тақдим этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

*Олтинчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий бўлинмалари ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириб олиш лозим. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра маҳаллий вакиллик органлари тегишли ҳудудларда умумий бошқарувни амалга ошишлари назарда тутилган. Масалан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига биноан ҳокимнинг ваколатларидан бири сифатида “жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади”<sup>46</sup> деб белгилаб қўйилган

Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг айримлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайди. Хусусан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунчиликка мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди”<sup>47</sup>. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 143-моддасига биноан прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади<sup>48</sup>. “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига биноан “Давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир”<sup>49</sup>. “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир”<sup>50</sup>. “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан “Миллий гвардия қўмондони ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди”<sup>51</sup>. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва қолаверса ушбу

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/112170>.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/3027843>.

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/3610935>.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни <https://lex.uz/docs/5491505>.

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/5128310>.



агентликнинг маҳаллий бўғинлар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга биноан “Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунди”<sup>52</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи асосий субъектлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг тўлақонлиги ҳамда самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳудудий бўлинмаларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тўлиқ бўйсунishi масаласи ҳам ўта нозик масала эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Гап шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда, тезкор-қидирув ва процессуал фаолиятда мустақил бўлишлари лозим. Акс ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий бўлинмалари ҳокимнинг топшириғига биноан фуқароларни жавобгарликка тортувчи машина бўлиб қолади.

Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий бўлинмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунishi керак, аммо Арманистон<sup>53</sup> ҳамда Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда, шунингдек тезкор-қидирув ва процессуал фаолиятда мустақил бўлишларини белгилаб қўйиш лозим. Хусусан, Қозоғистонда вилоят, республика аҳамиятига молик шаҳар, пойтахт ҳокими тегишли маъмурий-ҳудудий ички ишлар органлари олдида тезкор-қидирув ва процессуал фаолиятга аралашмаган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибini сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан вазифалар қўяди ҳамда йилига бир марта ички ишлар бўлими бошлиғининг тегишли ҳисоботларини эшитади.

Шунингдек, Арманистон<sup>54</sup> тажрибасидан келиб чиқиб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ички ишлар органларидан мажбурий бажарилиши керак бўлган тегишли ёрдам талаб қилиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ.

*Еттинчидан*, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишдаги, шунингдек тегишли ҳудуддаги маҳаллий мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳамда фаолиятига қонуний баҳо берилишини таъминлашдаги ролини

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>.

<sup>53</sup> Закон Республики Армения от 5 июня 2002 года №3Р-337 О местном самоуправлении // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=2919](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2919)

<sup>54</sup> Закон Республики Армения от 5 июня 2002 года №3Р-337 О местном самоуправлении // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=2919](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2919)

ошириш мақсадида тақдимномалар киритиш бўйича ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Мавжуд қонун ҳужжатларининг таҳлиliga асосланиб, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар ким томонидан киритилишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин ҳисобланади:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар<sup>55</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари асосан ўз ҳузурида ўтказилган йиғилишларда тегишли ҳудудий органларнинг мансабдор шахслари фаолияти баҳо бериш бўйича топшириқлар берилади ва бу топшириқлар асосий йиғилиш баёнининг қарор қисмида ифодаланади.

Шу билан бирга С.Б. Хўжакулов бу борада қуйидаги муаммоларни санаб ўтади: биринчидан, мутасадди мансабдор шахс (орган) томонидан киритиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимноманинг намунавий шаклини яратиш; иккинчидан, амалиёт органларида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритишга доир амалиётни шакллантириш; учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишга доир фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий механизмни жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади<sup>56</sup>.

Бизнинг назаримизда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари қуйидаги икки шаклдаги тақдимномалар киритиш ваколатига эга бўлиши лозим:

*биринчиси* – қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома. Ушбу тақдимнома мазкур қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган тегишли ҳудудий органга ёки мансабдор шахсга киритади;

*иккинчиси* – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш. Ушбу тақдимнома ҳуқуқбузарликларнинг

<sup>55</sup> Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б. 131.

<sup>56</sup> Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б. 138.



содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ваколатларига эга бўлган тегишли ҳудудий органга ёки мансабдор шахсга киритади.

*Саккизинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ваколатларини кенгайтириш лозим.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш масаласида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳамда қонунчиликда икки хил ёндашув шаклланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддаси 2-қисмига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар<sup>57</sup>, деб белгилаб қўйилган. Демак ушбу номадан шу нарса англашиладики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори билан тасдиқланган Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги Низомга кўра ҳудудий комиссияларга тегишли ҳудудий ички ишлар орган раҳбари раислик қилиши белгиланган.

Амалиётда эса ҳоким ҳузурида ўтказилган йиғилишларда тегишли маҳаллий органларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинади.

Бизнинг назаримизда, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияларга тегишли ҳокимлар раҳбарлик қилишлари мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳоким ўз ҳудудидаги барча фуқаролик ва ҳарбий-маъмурий тузилмалар фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қолаверса агарда ҳудудий комиссияларга тегишли ҳудуддаги ички ишлар органларининг раҳбарлари бошчилик қиладиган бўлса, ҳокимлар ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларида уларга ҳисобдор бўлиб қолади.

---

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>

Бу борада айрим хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятни маҳаллий даражада мувофиқлаштириш тегишли маҳаллий органлар томонидан амалга оширилади. Хусусан, Қозоғистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идораларора орган ҳукумат ҳузурида, уларнинг ҳудудий бўлимлари эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилади<sup>58</sup>.

Қирғизистон Республикасида вилоят давлат ҳокимияти раҳбари - ҳокимнинг (губернатор), шунингдек давлат давлат ҳокимияти раҳбари - ҳоким (оким) давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзларига қарашли ҳудудда ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, давлат чегараларини қўриқлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади<sup>59</sup>. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўзларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи комиссияларини туздилар. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи комиссиялар таркибига маҳаллий кенгашлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти бўлган давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари, жамоат бирлашмалари, маҳаллий ҳамжамият ва фуқаролик жамияти вакиллари киради. Ушбу комиссияларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари раислик қилади<sup>60</sup>.

Молдова Республикасида 2006 йил 28 декабрда қабул қилинган “Маҳаллий оммавий бошқарув тўғрисида”ги қонунга кўра маҳаллий ҳокимият органларига примар раҳбарлик қилади ва у ўз маъмурий ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятни мувофиқлаштиради<sup>61</sup>.

Россия Федерациясининг 2016 йил 23 июндаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими асослари тўғрисида”ги федераль қонунга кўра маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари тизимига киради. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида муниципал дастурларни ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мувофиқлаштирувчи органларни тузади<sup>62</sup>.

<sup>58</sup> Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 года №271-IV ЗРК О профилактике правонарушений // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=31100](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=31100)

<sup>59</sup> Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=132549](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549)

<sup>60</sup> Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=132549](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549)

<sup>61</sup> Закон Республики Молдова от 28 декабря 2006 года №436-XVI О местном публичном управлении // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=18597](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=18597)

<sup>62</sup> Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 года №182-ФЗ Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=86406](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=86406)

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Я.Олламов. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият тизими: ҳуқуқий ва назарий муаммолар: Автореф. дис. канд. юрид. Наук. –Т.: 2001. 27 б.;
2. А.Тўлаганов. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. Дарслик. –Т.: “Адолат”, 2002. 194 б.;
3. А.Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари: ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ташкил этиш муаммолари. Юридик ф.н...дисс. – Т. 2004.;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/1521661?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4704?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>.